

ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг бакалавриатига талабаларни қабул қилишда тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 225-модда) ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 11-12-сон, 295-модда) қонунларига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 18 июндаги 118-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 24-25-сон, 195-модда) билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларининг бакалавриатига талабаларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги **низомга** асосан Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг (бундан буён матнда таълим муассасалари деб юритилади) бакалавриатига талабаларни қабул қилишда тест синовларини ўтказиш тартибини белгилайди.

Мазкур Низом ҳарбий таълим муассасаларига талабаларни қабул қилишда тест синовларини ўтказишга нисбатан татбиқ этилмайди.

**I боб. Умумий қоидалар**

1. Тест синовлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази (бундан буён матнда Давлат тест маркази деб юритилади) томонидан ўтказилади.

2. Тест синовларини ташкил этиш ва уларни жойларда адолатли ўтказиш масъулияти, мазкур Низом талабларига қатъий риоя этган ҳолда Давлат тест маркази вакиллари, таълим муассасалари қабул комиссиялари (бундан буён матнда қабул комиссиялари деб юритилади) раислари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва улар томонидан тайинланадиган аудиториялар раҳбарлари зиммасига юкланади.

3. Тест синовлари ўтказиладиган куни Давлат тест марказининг тегишли рухсатномасига эга бўлмаган шахсларнинг тест синовлари ўтказиладиган биноларга кириши тақиқланади.

4. Тест синовлари кундузги ва махсус сиртқи бўлимлар учун 1 августда ўтказилади.

**II боб. Тест синовларини ўтказишга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш**

**1-§. Қабул комиссияларини ташкил этиш ва уларнинг вазифалари**

5. Таълим муассасаларида ўқишга қабулни сифатли ташкил этиш мақсадида белгиланган тартибда қабул комиссиялари ташкил этилади.

6. Қабул комиссияси раиси томонидан тест синовларини ўтказиш билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тўғрисида қабул комиссиясининг иш режаси тасдиқланади.

7. Қабул жараёнини юқори даражада уюшқоқлик билан, тартибли равишда ташкил этиш, тест жараёнининг ҳолисона ва адолатли ўтишини таъминлаш, абитуриентларга уларнинг тест синовлари жараёнидаги вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш, тест синовларини ўтказиш билан боғлиқ барча зарур шароитларни яратиш ҳамда тест синовлари натижалари бўйича абитуриентлар ва уларнинг ота-оналарига тўлиқ маълумотлар бериш қабул комиссиясининг асосий вазифалари ҳисобланади.

8. Қабул комиссиялари 20 июндан 20 июлгача (шу куни ҳам), Ўзбекистон давлат консерваторияси учун 20 июндан 15 июлгача абитуриентларнинг ўқишга қабул қилиш ҳақидаги аризаларини қабул қилади ва ҳужжатлар қабул қилинганлиги тўғрисида абитуриентларга белгиланган шаклда тилхат беради.

9. Қабул комиссияси қабул жараёни бошланган кунга қадар Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 18 июндаги 118-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларининг бакалавриатига талабаларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги **низом**, мазкур Низом, таълим йўналишлари, таълим шакли ва тили бўйича қабул квоталари, тест

ўтказиладиган фанлар рўйхати ҳамда ихтисослик бўйича ижодий имтиҳон топшириладиган таълим йўналишларини қабул комиссиясининг эълонлар тахтасига жойлаштириши лозим.

10. Қабул комиссиялари тест синовлари ўтказиладиган бино ва аудиторияларни мазкур бобнинг **2-параграфид**а белгиланган тартиб бўйича тест синовларини ўтказиш учун тайёрлайди.

11. Қабул комиссияси ҳужжат топширган абитуриентлар ҳақидаги маълумотларни ҳужжат топширилган куннинг ўзида қайд дафтарларига ва Давлат тест маркази томонидан тақдим этилган «АБТ-Абитур» дастури орқали базага хатосиз киритади ва уларни электрон суратлари билан бирга Давлат тест марказига тақдим этиб боради.

«АБТ-Абитур» дастури орқали базага махсус код, қайд рақами, таълим тури, таълим муассасасининг номи, фуқаролиги, фамилияси, исми, отасининг исми, миллати, жинси, паспорт серияси ва рақами, яшаш жойи, туғилган йили ва жойи, ижтимоий келиб чиқиши, таълим олган таълим муассасаси тури, рақами ва номи, манзили ҳамда уни тугатган йили, диплом (шаҳодатнома) рақами, диплом (шаҳодатнома)даги ўртача бали, муддатли ҳарбий хизматни тугатганлар учун ҳарбий қисм қўмондонлигининг тегишли тавсияномаси ҳамда республика ва халқаро фан олимпиадалар ғолиби эканлиги ҳақида маълумот (агар шундай ҳужжатлар бўлса), ўқув тили, ихтисослиги, чет тили ва уни топшириш усули киритилади.

12. Таълим йўналишлари, ўқитиш шакли ва тили бўйича таълим муассасасига топширилган ҳужжатлар сони, шу жумладан, фан олимпиадалари ғолиблари, ҳарбий ва бошқа имтиёзга эга бўлган ҳамда кўзи ожиз абитуриентлар томонидан топширилган ҳужжатлар ҳақидаги маълумотлар абитуриентлар ва ота-оналар эътибори учун қабул комиссияси томонидан ҳар куни эълон қилиб борилади.

13. Қабул комиссияси тест синовларини самарали тарзда ўтишини таъминлаш мақсадида Давлат тест маркази вакиллари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорликда аудитория раҳбарлари ва кузатувчилари учун тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисида амалий семинар машғулотларини ўтказиши.

14. Қабул комиссияси 21 июль куни мазкур Низомнинг **1-иловаси** 1 — 4-шакллари бўйича маълумотларни қабул комиссиясининг раиси ва масъул котиби томонидан тасдиқланган ҳолда Давлат тест марказига тақдим этади ва ушбу ҳужжатларга қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиши қатъиян ман қилинади.

*Олдинги тахрирга қаранг.*

15. Қабул комиссияси 22 июлда мазкур Низомнинг **2-иловаси**да келтирилган шаклдаги титул варақалари ва мазкур Низомнинг **3-иловаси**да келтирилган шаклдаги абитуриент рухсатномаларини Давлат тест марказидан қабул қилиб олиб, абитуриентларга тааллуқли маълумотларни принтерда хатосиз чоп этади.

*(15-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директорининг 2014 йил 6 августдаги 01-264-сонли буйруғи (рўйхат рақами 2242-1, 15.08.2014 й.) тахририда — ЎР ҚХТ, 2014 й., 33-сон, 430-модда)*

16. Қабул комиссияси 22 июль куни мазкур Низомнинг **4-иловаси** 1-шаклига мувофиқ таълим йўналишлари бўйича гуруҳланган абитуриентлар сонининг бинолар ва гуруҳлар бўйича тақсимотини мазкур Низомнинг **1-иловаси** 1-шакли бўйича тайёрланган абитуриентлардан келиб тушган аризалар ҳақидаги маълумотлар ва мазкур Низомнинг **4-иловаси** 2-шаклидаги абитуриентларнинг аудиториялардаги ўтириш ўринлари сони ҳақидаги маълумот билан таққослаб, Давлат тест марказига тақдим этади ва 24 июлда абитуриентларнинг бинолар ва гуруҳлар бўйича умумий рўйхатини мазкур Низомнинг **4-иловаси** 3-шакли бўйича Давлат тест марказидан қабул қилиб олади.

17. Қабул комиссияси 27 июлга қадар мазкур Низомнинг **5-иловаси** 1-шакли бўйича кўзи ожиз абитуриентлар ва кириш имтиҳонлари натижалари ҳақидаги маълумотларни, 1 августда мазкур Низомнинг **5-иловаси** 2 ва 3-шакллари бўйича касбий (ижодий) имтиҳонлар ва чет тили имтиҳонлари натижаларини Давлат тест марказига тақдим этади ва абитуриентларнинг эътибори учун маълумот сифатида эълон қилади

ҳамда ушбу маълумотларнинг ўзгармаслигини таъминлайди ва Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг абитуриентларларни талабалар сафига ўтказиш ҳақидаги қарори чиқмагунча эълонлар тахтасидан олмаслигини таъминлайди.

Қабул комиссия шу куннинг ўзида мазкур Низомнинг **4-илоvasи** 4-шаклига мувофиқ абитуриентларнинг умумий рўйхатини, шунингдек мазкур Низомнинг **6-илоvasи** 1—5-шаклларига мувофиқ тест ўтказиладиган биноларнинг режа-чизмаси, таълим муассасаси бўйича биноларнинг жойлашиш схемаси, ҳар бир бино учун асосий схема ва тест синовлари учун мўлжалланган қават бўйича аудиторияларнинг жойлашиш схемаси ҳамда тест синовлари ўтказиладиган бинолар тўғрисидаги умумий маълумотни эълон қилади ва ушбу маълумотларни Давлат тест маркази вакилларига етказди.

18. Қабул комиссияси 28 июлдан бошлаб тест синовлари ўтказиладиган биноларда мазкур Низомнинг **7-илоvasи** 1-шакли бўйича абитуриентларга «Абитуриент рухсатнома»сини таркатади.

19. Қабул комиссияси 30 июль куни Давлат тест марказидан мазкур Низомнинг **7-илоvasи** 2-шакли бўйича икки нусхада абитуриентларнинг аудиториялар бўйича рўйхатини қабул қилиб олади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

20. Қабул комиссиялари ҳарбий қисм кўмондонлиги тавсияномасига эга бўлган абитуриентлар ҳақидаги маълумотларни таълим йўналиши, ўқув шакли ва тили, жавоблар варақаси рақами кўрсатилган ҳолда 1 август куни мазкур Низомнинг **5-илоvasи** 4-шакли бўйича Давлат тест маркази орқали Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига кундузги ва махсус сиртки бўлимлар учун тақдим этадилар.

*(20-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директорининг 2014 йил 6 августдаги 01-264-сонли буйруғи (рўйхат рақами 2242-1, 15.08.2014 й.) таҳририда — ЎР ҚХТ, 2014 й., 33-сон, 430-модда)*

21. Қабул комиссияси тест синовлари ўтказиладиган куни соат 5.30 гача назорат хизмати постларига бино худудига киришга рухсат берилган Давлат тест маркази вакиллари, аудитория раҳбарлари ва кузатувчиларининг рўйхатини топширади.

22. Қабул комиссияси тест синовлари ўтказиладиган куни соат 7.00 гача абитуриентларнинг аудиториялар бўйича рўйхатини ва абитуриентларнинг гуруҳлар бўйича титул варақалари солинган пакетни Давлат тест марказининг бино бўйича вакилига (бундан буён матнда бино бўйича вакил деб юритилади) топширади.

23. Қабул комиссияси тест синовлари тугагандан кейин тест материалларини белгиланган тартибда фельдъегерлик хизмати ходимларига топширилишини таъминлаши шарт.

24. Қабул комиссияси Давлат тест марказидан тест синови натижалари билан бирга барча титул варақаларини текшириб қабул қилиб олади ва олинган куни тест натижаларини таълим муассасасида эълон қилади ҳамда абитуриентлар ва уларнинг оналарига тест натижалари бўйича тўлиқ маълумотлар беради.

25. Қабул комиссиясига юклатилган барча вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш учун жавобгарлик қабул комиссиясининг раиси ва масъул котиби зиммасига юклатилади.

## **2-§. Тест синовлари ўтказиладиган бино ва аудиторияларни тест синовларига тайёрлаш**

26. Тест синовлари ўтказиладиган бино ва аудиторияларни тест синовларига тайёрлаш бўйича жавобгарлик қабул комиссиялари зиммасига юклатилади.

27. Қабул комиссиялари жорий йилда тест синовларига қатнашадиган абитуриентлар сонини ўтган йилга нисбатан йигирма фоиз кўшган ҳолда режалаштиради. Тест синовлари ўтказиш талабларига жавоб берадиган бино ва аудиторияларнинг худудлар бўйича маълумотлар базасидан тест жараёнида фойдаланиш учун танлайди.

28. Тест синовлари ўтказиладиган бинолари режа-чизмаси Давлат тест маркази томонидан тасдиқлангандан кейин ҳақиқий ҳисобланади.

29. Тест синовлари ўтказиладиган бинолар ҳудудий жойлашуви бўйича тест материалларини ўз вақтида ва хавфсизлиги таъминланган ҳолда етказиш ҳамда Давлат тест марказининг таълим муассасаси бўйича вакилининг тест синовлари жараёнида назорат қила олиши учун бир-бирига яқин бўлиши керак.

30. Тест синовларини тартибли ўтказиш учун бино жойлашган ҳудуд ўралган бўлиши керак.

31. Тест ўтказиладиган бино сифими камида 360 нафар абитуриентга мўлжалланган бўлиши лозим.

32. Ҳар бир бинода абитуриентларни тартибли ва ўз вақтида киритиш учун кириш эшигида назорат хизмати постлари ташкил этилган бўлиши шарт.

33. Ҳар бир бинода тест материалларини тарқатиш ва йиғиб олиш учун мўлжалланган махсус катта хона (штаб) тайёрланади ва Давлат тест марказининг вакиллари учун етарли миқдорда стол-стуллар, стационар телефон алоқаси ва хужжатларни тест жараёнида сақлаш учун сейф билан таъминланган бўлиши керак.

34. Тест ўтказиладиган бино ва аудиторияларнинг ҳолати санитария ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ жавоб бериши шарт.

35. Ҳар бир қаватда камида 180 нафар абитуриентлар учун мўлжалланган 12 тагача аудиториялар ташкил этилиши ҳамда ушбу аудиториялар Давлат тест марказининг қават бўйича вакили (бундан буён матнда қават бўйича вакил деб юритилади) томонидан назорат қила оладиган масофада жойлашган бўлиши лозим.

36. Таълим муассасаси бўйича тест синовлари ўтказиладиган аудиториялар рақами бино рақамининг ўсиши тартибида, бино бўйича юқори қаватдан пастки қаватга камайиши тартибида, аудиторияларнинг тартиб рақами кетма-кетлиги гуруҳлар тартиб рақамининг кетма-кетлиги билан бир хил бўлиши ҳамда тест синовлари қайси бинода ўтказилишидан қатъи назар, такрорланмаслиги керак.

37. Ҳар бир аудиториядаги ўтириш ўринлари сони 30 ёки 60 нафар абитуриентга мўлжалланган бўлиши керак ҳамда аудиториялар етарли миқдорда стол-стуллар ва тест материалларини тарқатиш ва қабул қилиш учун алоҳида стол билан таъминланган бўлиши лозим.

38. Тест ўтказиладиган ҳар бир аудиторияни тайёрлашда ёруғлик тушиш, шамоллатиш, абитуриентни тикка тушувчи қуёш нуридан ҳимоялаш имкониятлари ҳисобга олиниши лозим.

39. Аудиториялар хонадан-хонага ўтиладиган бўлмаслиги ва улар бир нечта шартли аудиторияларга бўлинмаслиги, шунингдек ундаги стол-стуллар бошланғич синф ўқувчиларига мўлжалланмаган бўлиши лозим.

40. Барча аудиториялардаги абитуриентларнинг ўтириш ўринлари рақамланган бўлиши лозим. Бунда тоқ қаторлар чапдан ўнга, жуфт қаторлар ўнгдан чапга қараб рақамланади.

41. Аудиторияларнинг эшикларига қават, гуруҳ, таълим йўналиши шифри ва абитуриентлар сони ёзилган кўрсаткичлар илиб қўйилган бўлиши лозим.

42. Ҳар бир тест синовлари ўтказиладиган ҳар бир бинода тест жараёни учун зарур бўлган ахборот, техник, тиббий ва маиший шароитлар яратилган бўлиши шарт.

43. Ҳар бир аудитория соат, бўр, ёзув тахтаси (доска), елим, ичимлик суви ҳамда абитуриентлар, аудитория раҳбари ва кузатувчилари сонига тенг миқдорда хаворанг пастали шарикли ручкалар билан таъминланган бўлиши шарт.

44. Аудиторияларда тест синовлари топшириладиган фанларга тааллуқли бўлган кўргазмали воситалар бўлмаслиги лозим.

45. 31 июль куни тест синовлари ўтказиладиган барча биноларда нусха кўчириш воситалари сақланадиган ва тест синовлари ўтказилмайдиган аудиториялар ҳамда

каватларнинг кириш-чиқиш эшиклари бино бўйича вакил иштирокида ёпиб муҳрланиши лозим.

46. Тест ўтказиладиган аудиториялар сифатида ошхона, йўлак (коридор) ва шунга ўхшаган хоналардан фойдаланиш тақиқланади.

47. 30 нафар абитуриент учун мўлжалланган аудиторияга 1 нафар аудитория раҳбари ва камида 1 нафар кузатувчи ҳамда 60 нафар абитуриент учун мўлжалланган аудиторияга 1 нафар аудитория раҳбари ва камида 2 нафар кузатувчи бириктирилади.

48. Таълим муассасаси бўйича тест синовлари ўтказиладиган бинолар ҳақидаги дастлабки маълумотлар ушбу параграфда кўрсатиб ўтилган талаблар асосида шакллантирилиб, биноларнинг тест синовлари ўтказиш учун яроқлилиги бўйича тегишли идоралардан рухсат олинганидан кейин 1 июлдан кечиктирилмасдан мазкур Низомнинг **4-илоvasи** 2-шакли ва **6-илоvasи** 1—5-шакллари бўйича Давлат тест марказига тақдим этилиши лозим.

### **3-§. Тест синовларини ташкил этиш ва ўтказишда Давлат тест марказининг асосий вазифалари**

49. Давлат тест маркази тест синовларини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ куйидаги вазифаларни бажаради:

тест материалларининг сифатли ва нуқсонсиз тайёрланишини таъминлайди;

тест материалларини тест синовлари ўтказиладиган кунда соат 6.00 дан кечикмасдан, етарли даражада таълим муассасаларига етказилишини таъминлайди;

аудитория раҳбарлари ва кузатувчилари учун семинар машғулотларини талаб даражасида ташкил этилишини назорат қилади;

Давлат тест маркази вакилларининг ўз хизмат вазифаларини ваколати доирасида аниқ билиши ва ўз вақтида тест синовлари ўтказиладиган бинога етиб келишини таъминлайди;

таълим муассасаларини ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг аудитория раҳбарлари ва кузатувчиларини ўқитиши учун махсус йўриқнома билан таъминлайди;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

аудиториялар тақсимотига мувофиқ тест синови якуни бўйича қайтариб келтирилган жавоблар варақалари бўйича тест синови натижаларини ҳисоблайди;

*(49-банднинг еттинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директорининг 2014 йил 6 августдаги 01-264-сонли буйруғи (рўйхат рақами 2242-1, 15.08.2014 й.) таҳририда — ЎР ҚХТ, 2014 й., 33-сон, 430-модда)*

мазкур Низом ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа вазифаларни ҳам амалга оширади.

### **4-§. Тест синовларини ташкил этиш ва ўтказишда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг асосий вазифалари**

50. Тест синовларини жойларда тўғри ва адолатли ўтказиш мақсадида тегишли туман (шаҳар) ҳокимликлари Давлат тест маркази томонидан мазкур Низомнинг **8-илоvasи** 1-шаклига мувофиқ тақдим этилган маълумотлар асосида мазкур Низомнинг **8-илоvasи** 2-шаклига мувофиқ Давлат тест маркази вакиллари, аудитория раҳбарлари ва кузатувчилари сифатида жалб этиладиган ходимлар ҳақидаги маълумотни тасдиқлайди.

51. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари таълим муассасаларининг мурожаатига асосан тест синовларини ўтказиш учун белгиланган талабларга жавоб берадиган бинолар ва транспорт воситалари билан таъминлашга амалий ёрдам беради, шунингдек тест синовлари ўтказиладиган ҳар бир бинода хавфсизликни таъминлаш мақсадида назорат хизмати постларини ташкил этади ҳамда ваколати доирасида тест синовларини тартибли ўтиши учун тегишли органларга кўрсатма беради.

### **5-§. Тест синовларини ташкил этиш ва ўтказишда давлат тест маркази вакилларининг вазифалари**

52. Тест синовларини ўтказиш учун Давлат тест марказининг вакиллари шартнома асосида жалб этилади.



Давлат тест маркази вакиллари манфаатдор вазирликлар ва идоралар, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тавсияси асосида олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари, илмий муассасалар, давлат ва жамоат ташкилотлари ходимларидан танлаб олинади.

Давлат тест маркази вакиллари таълим муассасаларига тақсимлаш Давлат тест маркази томонидан амалга оширилади.

53. Давлат тест маркази вакиллари тест жараёнида аудитория раҳбарига амалий ёрдам кўрсатади.

Давлат тест маркази вакиллари ўзига бириктирилган бино, қават ва аудиторияларда тест ўтказиш тартибларига қатъий риоя қилинишига жавобгар шахс ҳисобланади.

Давлат тест маркази вакили тест синовлари учун ажратилган вақт давомида тест синовларининг бошланиши ва тугашини қатъий назорат қилади, тест синовларини адолатли, ҳолисона ва мазкур Низомда белгиланган талаблар асосида ўтишини таъминлайди.

54. Давлат тест марказининг таълим муассасаси бўйича вакили бино ва қават вакиллари фаолиятига умумий раҳбарлик қилади.

Ҳар 12 та аудиторияга камида битта қават вакили бириктирилади.

55. Давлат тест маркази вакили ўзига юклатилган вазифаларни суиистеъмол қилса, шу жумладан бинога бегона шахсларнинг киришига йўл қўйса, абитуриентга тақиқланган воситалардан фойдаланиш учун шароит яратиб берса ва шу каби бошқа ҳолатларни содир этса, Давлат тест марказининг таълим муассасаси бўйича вакили томонидан далолатнома тузиш орқали вазифасидан четлаштирилади ҳамда унинг ўрнига захирадан бошқа шахс тайинланади ва бу ҳақда номзодни тавсия этган ташкилотга маълум қилинади.

56. Давлат тест маркази вакиллари 29 июль куни қабул комиссияси масъул котиби билан биргаликда ўзига тегишли бино, қават ва аудиторияларнинг тест синовларига тайёрлигини текширади, аниқланган камчиликларни бартараф этади ҳамда бинонинг тест синовларига тайёрлиги тўғрисида баённома тузади ва уни қабул комиссияси орқали Давлат тест марказига етказилади.

57. Давлат тест маркази вакиллари 30 июль куни соат 8.00 дан бошлаб маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, қабул комиссияси, аудитория раҳбарлари ва кузатувчилари иштирокида 1 августда ўтказиладиган тест синовларига тайёргарлик кўриш учун репетиция ўтказилади ҳамда мазкур Низомнинг [9-иловасида](#) келтирилган шакл бўйича бинода репетиция ўтказиш баённомасини расмийлаштиради.

58. Давлат тест маркази вакиллари 1 август куни соат 6.00 дан кечикмасдан ўзига тегишли бинога етиб келади ва бино ҳудудига назорат хизмати постлари орқали рўйхат асосида паспорти билан киради.

59. Бино бўйича вакил тест синовлари ўтказиладиган куни қуйидаги вазифаларни бажаради:

қават вакиллари билан биргаликда соат 6.00 дан 6.30 гача штабда фельдъегерлик хизмати ходимларидан Давлат тест маркази вакиллари, аудитория раҳбари ва кузатувчилари рўйхатларини, уларнинг рухсатномаларини ҳамда мазкур Низомнинг [10-иловасига](#) мувофиқ тест материалларини қабул қилиб олади;

тест материаллари солинган захира қутиларни сейфга жойлаштиради ва муҳрлайди;

соат 7.00 дан 7.30 гача қават вакиллари, аудитория раҳбарлари ва кузатувчиларига уларнинг рухсатномаларини тарқатади, келмаган қават вакиллари, аудитория раҳбарлари ва кузатувчилари ўрнига захирадаги шахсларни тайинлайди ва мазкур Низомнинг [11-иловасига](#) асосан қават вакиллари, аудитория раҳбарлари ва кузатувчиларининг тақсимотини расмийлаштиради;

аудитория раҳбарларига қабул комиссияси томонидан икки нусхада берилган абитуриентларнинг аудиториялар бўйича рўйхатини ва абитуриентларнинг гуруҳлар бўйича титул варақалари солинган пакетни беради;

мазкур Низомнинг 12-иловасига мувофиқ тест синовларига келмаган қават вакиллари, аудитория раҳбарлари ва кузатувчилари тўғрисида далолатнома расмийлаштиради;

соат 7.45 дан 8.15 гача қават вакиллари билан биргаликда тест материаллари қутиларини аудитория раҳбарларига топширади ва бу ҳақда мазкур Низомнинг 13-иловаси 1-шаклига мувофиқ баённома расмийлаштиради;

абитуриентнинг тест материалда типографик нуқсон борлиги ҳақидаги муурожаати юзасидан, зудлик билан тест материаллари захира қутилардан таълим йўналиши ва тилига мос тест материалларини қават вакилига беради ва бу ҳақда мазкур Низомнинг 13-иловаси 2-шаклига мувофиқ баённома расмийлаштиради;

абитуриентларнинг тест топширишини назорат қилиб боради ва тест жараёнида муаммо пайдо бўлганда, зудлик билан Давлат тест марказининг таълим муассасаси бўйича вакили ёки доимий вакили билан боғланади, муаммони ҳал қилиш чораларини кўради;

аудиторияларда тест синовларини ўтказиш тартибини бузган абитуриентларнинг тестдан четлаштирилишини ва бу ҳақда далолатномалар тузилишини назорат қилади;

тест синовининг тугаш жараёнини назорат қилади;

абитуриентларнинг аудиториядан паспорти ва рухсатнома билан чиқишини, рухсатномада жавоблар варақаси рақами ёзилиб, унинг аудитория раҳбари ва кузатувчиси томонидан тасдиқланганлигини назорат қилади;

бино бўйича тўлдирилган барча шакллар, расмийлаштирилган далолатномалар ҳамда тестга келмаган Давлат тест маркази вакиллари, аудитория раҳбарлари ва кузатувчилари рухсатномаларини махсус пакетга солиб муҳрлайди;

соат 12.20 дан 12.40 (иккита фан бўйича тест синовларини топширувчилар учун соат 11.20 дан 11.40)гача жавоблар варақаси пакети, саволлар китоби қутиси, титул варақалари пакети аудиторияларда елимланиб, мазкур Низомнинг 14-иловаси 1, 2 ва 3-шаклларида келтирилган Давлат тест маркази эмблемалари билан муҳрланишини назорат қилади;

соат 12.40 дан 13.00 гача (иккита фан бўйича тест синовларини топширувчилар учун соат 11.40 дан 12.00 гача) мазкур Низомнинг 13-иловаси 1-шакли бўйича аудитория раҳбарларидан тест материаллари қутиларини муҳрланган ҳолда қабул қилиб олади ва ўз вақтида топширган аудитория раҳбарлари рухсатномасининг тегишли жойларини тўлдириб, имзо қўяди;

қават вакиллари иштирокида тест материаллари қутиларини мазкур Низомнинг 10-иловасига мувофиқ тест материаллари қутиси реестри асосида фельдъегерлик хизмати ходимларига топширади.

60. Қават вакиллари тест синовлари ўтказиладиган куни қуйидаги вазифаларни бажаради:

соат 7.30 гача аудитория раҳбарлари ва кузатувчиларини штабга бошлаб келади ва бино раҳбари томонидан уларга рухсатномалар тарқатилишида иштирок этади ҳамда уларни белгиланган аудиторияларга олиб боради;

тест ўтказилаётган аудиторияда абитуриент томонидан тест ўтказиш тартибининг бузилишини аниқлаганда, аудитория раҳбаридан ушбу ҳолат бўйича тест синовларидан четлаштириш тўғрисида далолатнома расмийлаштирилишини талаб қилади;

тест синовлари қоидаларини бузган абитуриентлар бўйича ўзига тегишли аудиториялар раҳбарлари томонидан тузилган далолатномаларни тасдиқлаб, имзо қўяди;

ўзига тегишли қаватда аудитория раҳбарлари ва кузатувчиларининг фаолиятини назорат қилади. Ўзига юклатилган вазифаларни суиистеъмол қилган, шу жумладан бинога бегона шахсларнинг киришига йўл қўйган, абитуриентга тақиқланган воситалардан фойдаланиш учун шароит яратиб берган ва шу каби бошқа ҳолатларни содир этган

аудитория раҳбарлари ва кузатувчиларини вазифасидан четлаштиради ҳамда унинг ўрнига захирадан бошқа шахсни тайинлайди ва ушбу ҳолатларни ҳисоботида кўрсатади;

аудитория раҳбари абитуриентнинг тест материалларида типографик нуқсон борлиги ҳақида мурожаат қилганда, мурожаатнинг асосли эканлигини текшириб кўриб зудлик билан бино бўйича вакилга мурожаат қилади ҳамда тест материаллари захирасидан таълим йўналиши ва тилига мос тест материалларини келтириб беради;

тест синовлари тугагач, ўзига тегишли гуруҳларнинг аудитория раҳбарларини аудиторияда муҳрланган тест материаллари қутилари билан бирга штабга бошлаб боради ва топшириш жараёнини назорат қилади.

#### **6-8. Тест синовлари ўтказишда аудитория раҳбари ва кузатувчиларининг вазифалари**

61. Тест синови ўтказиладиган аудиторияда тест синовини мазкур Низом талабларига қатъий риоя этилган тарзда тўғри ва адолатли ўтказилишини таъминлаш бўйича шахсий жавобгарлик аудитория раҳбари ва кузатувчиси зиммасига юкланади.

Аудитория раҳбари аудитория кузатувчисининг фаолиятини назорат қилади.

62. Тест синовлари ўтказилаётган таълим муассасасида аудитория кузатувчиси сифатида ушбу муассасаларнинг вакиллари ҳам тайинланади.

63. Тест синовлари ўтказиладиган куни аудитория раҳбари ва кузатувчиси ўзи бириктирилган таълим муассасаси биносига соат 6.30 дан кечикмасдан паспорти билан етиб келиши шарт.

Аудитория раҳбари ва кузатувчиси томонидан бинога ортиқча буюмларни олиб киришлари тақиқланади.

64. Аудитория раҳбари ва кузатувчиси тест синовлари ўтказиладиган куни соат 7.00 дан 7.30 гача бино штабида ўзларига тегишли рухсатномаларни олади ва ўзларига бириктирилган аудиторияга боради ва ўзларининг исм ва фамилияларини ёзув тахтаси (доска)га ёзиб қўяди.

Аудитория кузатувчиси соат 7.30 дан 7.45 гача аудиториянинг тест синовларига тайёрлигини текширади, тест жараёнига салбий таъсир этувчи омиллар аниқланганда, уларни бартараф этиш чораларини кўради. Агар аудиторияда абитуриентлар бўлса, уларни ташқарига чиқаради. Аудиториядаги ўтириш ўринларини ўрнатилган тартиб асосида рақамланганлигини текширади.

65. Аудитория раҳбари соат 7.45 дан 8.15 гача бино штабида бино бўйича вакилдан тест материаллари қутисини муҳри бузилмаганлигини текшириб, қабул қилади, қават вакили бошчилигида аудиторияга олиб келади ва соат 8.30 да аудитория кузатувчилари ва камида икки нафар абитуриентлар гувоҳлигида тест материалларини муҳрланганлигига ишонч ҳосил қилиб очади. Тест материаллари қутисидан абитуриентлар сонига мос саволлар китоби, жавоблар варақаси, ишлатилмаган саволлар китоблари ва жавоблар варақаси, титул варақалари учун бўш пакетлар, далолатнома шакллари ҳамда муҳр ва Давлат тест маркази эмблемалари мавжудлигини текшириб, мазкур Низомнинг [15-иловасига](#) мувофиқ тест материаллари қутисини очилганлиги ҳақида далолатнома тузади.

66. Аудитория кузатувчиси соат 8.30 гача аудитория раҳбаридан абитуриентларнинг гуруҳ бўйича рўйхатини олади ва абитуриентларни титул варақаси, абитуриент рухсатномаси, паспорти асосида текшириб (расмлар шу абитуриентга тегишлилигига ишонч ҳосил қилиб), уларни гуруҳ рўйхати бўйича аудиторияга киритади ҳамда тест синовида келмаган абитуриентларнинг ўрнини бўш қолдиради.

Аудитория кузатувчиси титул варақаларидаги расмларни паспортдаги расм билан таққосланган ҳолда текширади ва абитуриентларга таркатади.

67. Аудитория кузатувчиси жавоблар варақалари ва жавоблар варақаси рақамига мос рақамли саволлар китобларини абитуриентларга тарқатиб чиқади. Шундан сўнг, аудитория раҳбари абитуриентларга саволлар китоби рақами билан жавоблар варақаси рақами мослигини ҳамда тест материаллари нуқсонсизлигини текшириб чиқишларини,



жавоблар варақаси ва саволлар китоби муқовасида кўрсатилган тегишли жойга фамилияси, исми, отасининг исмини ёзиб, имзо қўйишлари бўйича кўрсатма беради.

Аудитория кузатувчиси тест синовиغا келмаган абитуриентларнинг жавоблар варақалари ва саволлар китобларини санаб, аудитория раҳбарига топширади, шунингдек аудитория раҳбарининг кўрсатмаси асосида абитуриентлар томонидан тўлдирилган титул варақаларини йиғиб олади ва санаб, аудитория раҳбарига топширади.

Саволлар китобининг муқоваси мазкур Низомнинг **16-иловасида**, жавоблар варақаси намунаси мазкур Низомнинг **17-иловасида** келтирилган.

68. Агар абитуриент саволлар китоби нуқсонли эканлиги ҳақида мурожаат қилса, аудитория раҳбари қуйидаги ишларни тезкорлик билан соат 9.00 гача амалга оширади:

аудиторияда тест синовида қатнашмаган абитуриент учун ажратилган саволлар китобини жавоблар варақаси билан бирга мурожаат қилган абитуриентга беради;

аудиторияда ортиқча саволлар китоби бўлмаса қават вакилидан захирадаги шу таълим йўналиши ва тилига мос бўлган саволлар китоби ва жавоблар варақасини келтириб беришни сўрайди.

69. Аудитория раҳбари нуқсонли тест материалига «Нуқсонли» деган ёзув киритиб, уни алмаштирилган вақтини кўрсатади ҳамда абитуриентнинг фамилияси, исми, отасининг исмини ёзиб, имзо қўяди ва ушбу ҳолат ҳақида далолатнома тузиб, нуқсонли тест материалига елимлайди ҳамда жавоблар варақаси пакетига солиб қўяди.

70. Аудитория раҳбари томонидан абитуриентларга жавоблар варақасини букмаслик, жавоблар варақасининг маркер чизиғига ёзмаслик, жавоблар варақаси рақами остида жойлашган доирачаларни бўямаслик тушунтирилади.

71. Соат 8.30 дан 9.00 гача аудитория раҳбари ва кузатувчиси:

ёзув тахтаси (доска)га илиб қўйилган плакатдан фойдаланиб, жавоблар варақасини тўлдириш қоидаларини тушунтиради;

мазкур Низомнинг **18-иловасида** келтирилган аудитория раҳбарининг абитуриентларга эслатмасини ўқиб беради;

абитуриентларга жавоблар варақаси рақамини титул варақаси ва абитуриент рухсатномасининг тегишли жойига тўғри кўчириб ёзишлари бўйича кўрсатма беради;

*Олдинги тахрирга қаранг.*

абитуриентнинг жавоблар варақаси рақамини титул варақасига кўчириб ёзганлигини тасдиқлаш мақсадида титул варақасининг махсус жойига имзо қўяди.

*(71-банднинг бешинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директорининг 2014 йил 6 августдаги 01-264-сонли буйруғи (рўйхат рақами 2242-1, 15.08.2014 й.) тахририда — ЎР ҚХТ, 2014 й., 33-сон, 430-модда)*

72. Аудитория кузатувчиси соат 9.00 гача абитуриентларга жавоблар варақаси рақамини абитуриентларнинг аудиториялар бўйича рўйхатига ёздириб, имзо қўйдиради.

73. Тест синовиغا келмаган абитуриентларнинг саволлар китоби аудитория раҳбари томонидан ишлатилмаган саволлар китоби пакетига солиниб, муҳрланади ва абитуриентларнинг аудиториялар бўйича рўйхатига тест синовиغا келмаган абитуриент ҳақида «қатнашмади» деган ёзув киритилади.

74. Аудитория раҳбари тест синови учун ажратилган вақт тугаганлигини эълон қилади ва абитуриентларни ўринларидан туришларини талаб қилади ҳамда аудитория кузатувчисига абитуриентлардан тест материалларини йиғиб олиш бўйича кўрсатма беради. Тест материалларини йиғиб олинганидан сўнг аудитория раҳбари саволлар китоби ва жавоблар варақасига шикаст етмаганлигини текшириб, абитуриент рухсатномасининг тегишли жойини тўлдириб, имзо қўяди ҳамда абитуриентларга тест материалларини топширилганлигини тасдиқлаш мақсадида мазкур Низомнинг **7-иловаси** 2-шаклида келтирилган рўйхатга (рўйхат икки нусхада тўлдирилиб, бир нусхаси бино бўйича вакилга тақдим этилади) имзо қўйдириб, уларни абитуриент рухсатномаси ва паспорти билан аудиториядан чиқариб юборади.

75. Аудиториядаги барча жавоблар варақаларини жавоблар варақалари пакетига солиниши учун аудитория раҳбари ва кузатувчиси шахсан жавобгар ҳисобланади.

Жавоблар варақаси пакетига куйидагилар солинади:  
тестда қатнашган абитуриентларнинг жавоблар варақалари;  
ишлатилмаган жавоблар варақалари;  
тест синовидан четлаштирилганлиги ҳақидаги далолатнома елимланган жавоблар варақаси ва титул варақаси;  
тест материалларининг ўз вақтида топширмаганларни четлаштириш ҳақидаги далолатнома елимланган титул варақалари;  
далолатнома елимланган ҳолдаги нуқсонли саволлар китоби;  
тест синовига келмаган абитуриентларга тегишли титул варақалари.

76. Аудитория раҳбари титул варақалари пакетига тест синовида қатнашган абитуриентларнинг титул варақалари ва абитуриентларнинг аудитория бўйича рўйхатини солиб, аудитория кузатувчилари ва абитуриентлар гувоҳлигида муҳрлайди ҳамда пакет устидаги маълумотларни тўлиқ расмийлаштиради.

77. Аудитория раҳбари ишлатилган саволлар китобларини, ишлатилмаган саволлар китоби пакетини, жавоблар варақаси пакетини ҳамда титул варақалари пакетини тест материаллари қутисига солади, аудитория кузатувчилари ва абитуриентлар гувоҳлигида мазкур Низомнинг 19-иловаси бўйича тест материаллари қутисини ёпиш ҳақида далолатномани расмийлаштиради ва муҳрлайди.

78. Аудитория раҳбари соат 12.40 (иккита фандан тест синовлари топширувчилар учун соат 11.40)дан кечикмай муҳрланган тест материаллари қутисини бино бўйича вакилга топширади ҳамда ушбу материалларни ўз вақтида топширганлигини тасдиқлатиб, рухсатномасининг тегишли жойига имзо қўйдиради.

#### **7-§. Тест синовларини ўтказиш**

79. Абитуриентлар тест синовлари ўтказиладиган бинога паспорти ва абитуриент рухсатномаси билан видеокузатув орқали тартибли равишда киритилади.

80. Олий таълим муассасасида танланган таълим йўналишига қараб абитуриентлар тегишли равишда икки ёки уч фан мажмуалари бўйича тест синовини топширади.

Тест топшириқлари умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими умумтаълим фанлари ўқув дастурларига мувофиқ тузилади.

81. Тест синови эрталаб соат 8.30 да бошланади.

Абитуриентлар тест синовлари ўтказиладиган куни бино худудига соат 8.00 гача, аудиторияга соат 8.30 гача фақат абитуриент рухсатномаси ва паспорти билан киритилади. Тест синовлари бошланган (соат 8.30)дан кейин абитуриент аудиторияга киритилмайди.

Соат 8.30 дан 9.00 гача абитуриентлар жавоблар варақасини тўғри тўлдириш тартиби билан танишадилар ва унинг тегишли жойига ўзлари тўғрисидаги маълумотларни ёзадилар. Бу вақт тест ўтказиш учун ажратилган вақт меъёрига кирмайди.

Белгиланган вақтда тест синовларига келмаган абитуриентлар учун қўшимча тест синовлари ўтказилмайди.

82. Тест бошлангандан кейин ҳеч ким аудиторияга киритилмайди ва тест топшириқлари бўйича абитуриентлар билан савол-жавоб қилинмайди.

83. Абитуриент жавоблар варақаси рақами билан саволлар китоби рақамининг бир-бирига мослигини ва саволлар китобида фанлар бўйича тест саволларида типографик хато ёки бошқа нуқсонлар йўқлигини текширади. Агар тест саволларида нуқсон бўлганда дарҳол бу ҳақда аудитория раҳбарига хабар беради.

84. Абитуриент жавоблар варақаси берилгандан кейин абитуриент рухсатномаси ва титул варақасининг тегишли жойларига жавоблар варақаси рақамини кўчириб ёзади. Шундан сўнг, титул варақасида кўрсатилган таълим муассасасининг коди, махсус код ва танлов кодидини жавоблар варақасига кўчириб ёзади ва тегишли доирачаларни бўйяйди.

85. Абитуриент томонидан титул варақасидан жавоблар варақасига кўчирилган таълим муассасаси коди, махсус код ва танлов кодидини абитуриентнинг таълим тили,

таълим йўналиши, таълим муассасаси, ижодий ва чет тили имтиҳонлари баллари ҳамда харбий имтиёзини белгиловчи ягона маълумот бўлганлиги сабабли, тўлдирилмаган жавоблар варақаси бўйича натижа чиқарилмайди ва эътирозлар қабул қилинмайди.

Абитуриент жавоблар варақасининг 1-блокига ва саволлар китоби муқовасининг белгиланган жойига ўзи ҳақидаги тегишли маълумотларни ёзиб, имзо қўяди. Агар абитуриент томонидан ушбу маълумотлар киритилмаган тақдирда, ихтиёрий босқичда далолатнома тузилади ва тест синови бўйича натижа чиқарилмаслигига асос бўлади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

86. Саволлар китобидаги ҳар бир фан 36 та топшириқни ўз ичига олади. «Математика (информатика билан)» фанидан тест саволлари «Математика» фани бўйича биринчи 30 та савол, «Информатика ва ахборот технологиялари» фани бўйича охириги 6 та саволдан иборат бўлади.

*(86-банднинг биринчи хатбоииси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директорининг 2014 йил 6 августдаги 01-264-сонли буйруғи (рўйхат рақами 2242-1, 15.08.2014 й.) таҳририда — ЎР ҚХТ, 2014 й., 33-сон, 430-модда)*

Абитуриентга тест топшириқларини бажариш учун қуйидаги вақт меъёрлари белгиланади:

72 саволга — 2 соат;

108 саволга — 3 соат.

Ҳар бир саволга 4 тадан («А», «В», «С», «D») жавоблар варианти берилган бўлиб, абитуриент улардан фақат биттасини саволлар китобчасида белгилаши (саволлар китобида белгиланган жавобларни ўзгартириш мумкин), кейинчалик жавоблар варақасининг мос фан блокадаги доирачани белгиланган тартибда бўяши керак (жавоблар варақасида белгиланган жавобларни ўзгартириш мумкин эмас).

Ҳар бир тест саволига фақат битта жавоб белгиланиши шарт. Агар жавоблар варақасидаги «Белгилаш учун намуна» қоидасига риоя этилмаса, жумладан битта саволга жавоблар варақасида тегишли доирача бўялмаса ёки икки ва ундан ортиқ доирача бўялса ёхуд тўлиқ бўялмаса ушбу жавобга балл берилмайди.

Тўлдирилган жавоблар варақаси абитуриентнинг билим даражасини белгиловчи асосий ҳужжат ҳисобланади.

87. Жавоблар варақаси абитуриент томонидан ҳаво ранг пастали шарикли ручка билан тўлдирилади.

Жавоблар варақаси тўғри тўлдирилиши учун абитуриент шахсан жавобгардир. Жавоблар варақасидаги тегишли доирачаларни нотўғри белгилаган абитуриентларнинг эътирози кўриб чиқилмайди.

Жавоблар варақасини тўлдиришга тест синови учун белгиланган вақт меъёрига қўшимча 20 дақиқа ажратилади.

88. Абитуриент томонидан уяли телефонлар ва бошқа алоқа воситаларини олиб кириш ва фойдаланиш қатъий ман этилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Тест синовлари ўтказиладиган бинога киришда абитуриент микрокалькулятор, луғат, жадвал, китоб, уяли телефон, компьютер, телекоммуникация воситалари ва шпаргалкалар олиб киришга ҳаракат қилса ёки олиб кирган бўлса, тест синовлари давомида тест материалларини бошқа абитуриентга узатса ёки ёрдам берса, тест синови учун ажратилган вақт тугаганидан кейин тест материалларини топширишдан бош тортса, тест материалларини аудиториядан ташқарига чиқарса, саволлар китоби варағини йиртса абитуриент тест синовларини ўтказиш тартибини бузган ҳисобланади ва Давлат тест маркази вакили ёки аудитория раҳбари ва кузатувчилари томонидан мазкур Низомнинг **20-иловасига** мувофиқ шаклда далолатнома тузилиб, абитуриент тест жараёнидан четлаштирилади.

*(88-банднинг иккинчи хатбоииси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директорининг 2014 йил 6 августдаги 01-264-сонли буйруғи (рўйхат рақами 2242-1, 15.08.2014 й.) таҳририда — ЎР ҚХТ, 2014 й., 33-сон, 430-модда)*

89. Тест синовларини топшириш вақтида абитуриентнинг аудиториядан чиқиши тақиқланади, аудиториядан чиққан абитуриентлар қайтадан тест синовларига қўйилмайди, соғлиғининг ёмонлашиши ва бошқа шу каби ҳолатларда тест материалларисиз қават бўйича вакил кузатуви остида аудиториядан чиқиш ҳоллари бундан мустасно.

90. Аудитория раҳбари томонидан тестни бажариш учун ажратилган вақт тугагани ва саволлар китобидан жавоблар варақасининг мос равишда фан блокларидаги доирачаларга бўйлаб учун қўшимча берилган йигирма дақиқалик вақт бошланганлиги эълон қилинганда абитуриент саволлар китоби билан ишлашни тўхтатиб, саволлар китобидан жавоблар варақасининг мос равишда фан блокларидаги доирачаларни бўйлаб бошлаши, қўшимча ажратилган вақт тугагани эълон қилинганда жавоблар варақаси билан ишлашни тўхтатиши шарт.

Абитуриент тест саволлари ёки тест синовларини ўтказиш жараёни юзасидан эътирозлари мавжуд бўлганда, тест материалларини топширганидан сўнг, қабул комиссияси орқали Давлат тест марказига мазкур Низомнинг **21-иловасига** мувофиқ ариза билан муружаат қилиши мумкин.

91. Тест синовларини белгиланган муддатдан олдин тугатган абитуриентлар ёки тест синовлари учун ажратилган вақт тугагач абитуриентлар мазкур Низомнинг **74-бандида** назарда тутилган тартибда тест материалларини топширади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

### **III боб. Тест синовлари натижаси бўйича берилган апелляция шикоятларини кўриб чиқиш**

92. Тест синовлари натижасидан норози бўлган абитуриент тест синовлари натижаси эълон қилинган кундан бошлаб ўн беш кун давомида Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан тасдиқланган апелляция комиссиясига мазкур Низомнинг **22-иловасига** мувофиқ шаклда ёзма тартибда апелляция шикояти бериш ҳуқуқига эга. Апелляция шикояти қабул қилинганлиги тўғрисида абитуриентга мазкур Низомнинг **22-иловасига** мувофиқ хабарнома берилади.

Апелляция шикоятига абитуриент рухсатномасининг нусхаси илова қилинади.

93. Апелляция комиссияси таркибидаги экспертлардан фанлар бўйича экспертлар гуруҳи шакллантирилади.

Апелляция комиссияси апелляция шикоятини кўриб чиқиш жараёнида қабул комиссияси аъзоларини, Давлат тест маркази вакилларини ҳамда аудитория раҳбари ва кузатувчиларини уларга тегишли масалалар бўйича жалб қилишга ҳақли.

94. Апелляция шикоятини берган абитуриент хабарномада белгиланган кунда ўзининг паспорти ва абитуриент рухсатномаси билан келиши шарт.

95. Апелляция шикояти кўрилатган абитуриентга унинг жавоблар варақаси нусхаси, тест синовида йўл қўйган нотўғри жавоблари рўйхати ҳамда тестда тушган саволлар китоби берилади. Тақдим этилган ҳужжатлар асосида абитуриент ўзининг ҳар бир нотўғри чиққан саволига жавобларини ёзма равишда баён қилади ва қабул қилиб олган барча тест материаллари билан бирга апелляция комиссиясига тақдим этади.

96. Апелляция шикояти апелляция комиссияси томонидан абитуриент иштирокида, унинг ёзма жавоблари асосида кўриб чиқилади. Абитуриентнинг ёзма жавоблари ўз тасдиғини топмаган бўлса, апелляция комиссияси тест синовлари натижаларини ўзгаришсиз қолдириш ва апелляция шикоятини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

97. Абитуриент томонидан жавоблар варақаси, саволлар китоби ёки титул варақаси ушбу Низомда белгиланган тартибда тўлдирилмаган, шунингдек тест синовидан четлаштирилган ёки ўзининг жавобларини ёзма равишда баён қилмаган абитуриентнинг апелляция шикояти кўриб чиқилмайди.

98. Апелляция шикояти кўрилатган аудиторияга абитуриент уяли телефон, компьютер, телекоммуникация воситалари ва шпаргалкалар (луғат, жадваллар бундан мустасно) олиб киришга ҳаракат қилса ёки олиб кирса, апелляция жараёнида тест

материалларини бошқа абитуриентга узатса, абитуриентларга ёрдам берса ёки ёрдам олса, аудиторияга халақит берса, саволлар китоби варағини йиртса, абитуриент апелляция шикоятини кўриб чиқиш тартибини бузган ҳисобланади ва апелляция комиссияси аъзолари томонидан далолатнома тузилиб, апелляция жараёнидан четлаштирилади ва унинг эътирози қайта кўриб чиқилмайди.

99. Апелляция комиссияси қарори бўйича маълумот Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига апелляция жараёни тўлиқ тугагандан сўнг 5 иш куни ичида тақдим этади.

100. Апелляция комиссиясининг апелляция шикоятини кўриб чиқиш натижалари бўйича қабул қилган қарори юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиш мумкин.

*(III боб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директорининг 2014 йил 6 августдаги 01-264-сонли буйруғи (рўйхат рақами 2242-1, 15.08.2014 й.) таҳририда — ЎР ҚХТ, 2014 й., 33-сон, 430-модда)*

#### **IV. Якуний қонда**

101. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Бадий академияси, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК, Давлат солиқ қўмитаси, Ташқи ишлар вазирлиги ва «Навоий кон-металлургия комбинати» ДК билан келишилган.